

УДК 302.01

*M.M.Akhmedova, lecturer,
M.M.Ахмедова, ўқитувчи,
G.X.Davlatboeva, student,
Г.Х.Давлатбоева, талаба,
Fergana state university,
Фарғона давлат университети,
Uzbekistan, Fergana city*

ОИЛА СОҒЛОМ ЭКАН, ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМ, МАМЛАКАТ БАРҚАРОРДИР

Аннотация: Мақолада оила – жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланиши, у фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор ва тинч тузилмасилиги, бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънавий ва ахлоқий тарбия ҳам топиши ҳақида фикрлар юритилган. Оила кишиларнинг тарбиявий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлиги ҳисобланиб, у қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади. Жамият асоси – оиланинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Оила – жамият ҳимоясида. Биз кураётган инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этиб, унинг асосий хусусияти жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ижтимоий вазифаларда ифодаланади.

Калит сўзлар: оила, маънавият, фарзанд, анъана, жамият, мустаҳкам, мурувват, одоб, ахлоқ.

WHEN THE FAMILY IS HEALTHY, THE SOCIETY IS STRONG, THE COUNTRY IS STABLE

Abstract: The article discusses the fact that the family is considered the primary link of the society, it is the base of the civil society, a stable and peaceful structure, and in this holy place not only a person is born, but also

receives spiritual and moral education. The family is considered a social unit based on educational, economic, legal, and spiritual relations, and the stronger it is, the stronger and faster the society will be. It is important that the family, the basis of society, is materially and socially strengthened. The family is under the protection of society. In the humane democratic-legal state and fair civil society that we are building, the family constitutes a unique social union, and its main feature is its connection with the interests of society, which is expressed in social tasks.

Keywords: family, spirituality, child, tradition, society, strong, kindness, manners, morality.

Оила деганимизда кўз олдимизга ота-она, фарзандлар, бобо-бувилар ва бир хонадонда яшовчи бошқа шахслар келади. Оила катта-кичик бўлиши мумкин. Масалан, ота-она, фарзандлари, келинлари ва бир нечта набиралари, ёки ота-она ва битта фарзанд бўлиши мумкин. Оила-ватан ичра кичик ватандир. Бизнинг мамлакатимизда оила-муқаддас даргоҳ, никоҳ эса бузилмас ришта сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланган. 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб таъкидланган. Конституция белгилаган ижтимоий тузум билан оила ўртасида узвий боғланиш мавжуд.

Халқимиз янги оила барпо бўлар экан, уни икки ёшга, яъни янги эр-хотинларга ташлаб қўймайди. Янги оилага ота – оналар, қариндошлар, маҳалла, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, “Оила” илмий-амалий маркази, шунингдек мутасадди ташкилотлар ҳам эътибор қаратади. Яъни бизнинг давлатимизда оила масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб келинмоқда. – авлодлар давомийлиги, кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан авлодга ўтишини таъминлавчи омилдир. Шу туфайли оилани қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат эътиборида турибди.

Оила қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май кунини Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилгани бежиз эмас. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 16-моддасида шундай дейилган: Балоғатга етган эркеклар ва аёллар ирқи, миллати ва динига қараб бирор бир чекловларсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улардан никоҳдан ўтаётганларида ҳам, никоҳда бўлган вақтда ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганда ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Энг аввало фарзанднинг келажаги ва тақдири учун ўзини жавобгар деб чуқур ҳис этган ота-она шахсий намуна бўлиши лозим. Зеро, боланинг хулқ-атвори, хатти ҳаракатига қараб, унинг ота-онасига баҳо берилади. Оилада болани тўғри тарбиялашда ота-она биргаликда қайғуришлари, қийинчиликларни биргаликда бартараф этишлари лозим. Мамлакатимизда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб фаолият юритилмоқда. Бугунги кунда республикамизда ўн мингдан ортиқ маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари оилалар билан жамоатчилик асосида ташкилий ва оммавий ишларни олиб борган ҳолда оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга, воя-га етмаган болалар манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Оила жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга дейилганда, мамлакатимизда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар, нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг оилага моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам бериши тушунилади. Бу қоида мустақил мамлакатимиз Конституциясида илк бор белгиланган янги қоидалардан биридир. Ҳаммамизга маълумки, айни вақтда Ўзбекистонда 5 мингдан зиёд нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатиб келиш билан бир қаторда оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш борасида турли моддий ва маънавий

ёрдамларни амалга оширмоқдалар. Таъкидлаш муҳимки, оила – давлат муҳофазасида экан, унга мунтазам ғамхўрлик қилиш, ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Маълумки, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилалар қанчалик тинч ва тотув бўлса, шундагина давлат тинч ва барқарор раванқ топиши мумкин. Шу жиҳатдан, оила кўрғонининг мустаҳкамлиги ва унда маънавий жиҳатларнинг шаклланиши ҳамда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин оила деб аталмиш муқаддас маконда фарзандлар камолга етади, улғаяди. Шундай экан, жамиятда юзага келаётган оилалар қанчалик мустаҳкам қурилмоқда, пойдевори чи? Дарҳақиқат, оиланинг барпо этилишида кимлар ёки нималар муҳим роль ўйнайди, ташқи таъсирлар чи? Мавжуд оилалар ва янги барпо этилаётган кичик бир оила ўз мавқеини қанчалик асрамоқда? Оила – муқаддас кўрғон, оила – маънавий камолот маскани ва бошқа бир қанча сўз ва иборалар билан оиланинг мавқеини белгилаймиз. Албатта, жамиятда намунали оилалар талайгина. Намунали оила деганда, оилавий муносабатлар маънавий мезонлар асосида қурилган, яхши ва ахлоқли фарзандлар тарбиялаган, нурли, пиру бадавлат отахон ва онахоналар кўз олдимизга келади. Уларнинг борлиги бошқалар учун ибрат мактабидир. Аммо, афсус, бизни ўйлантирган масала бу – оила кўрғонининг бузилишига салбий таъсир кўрсатаётган бир қанча ташқи ва ички омиллардир. Ташқи омил сифатида ғарбона яшаш тарзининг ўзлаштирилиши бўлса, ички омил сифатида эса, ёшларнинг оилага маънавий жиҳатдан этарли тайёргарликка эга бўлмаслик масаласидир.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда тажрибали, кўпни кўрган отахон ва онахонлар ўгити, пурмаъно насиҳатлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзи ҳам муҳим ўрин тутаяди. Шу жиҳатдан олганда, жамиятда юзага келаётган янги оилаларга улар турмуши ибрат бўлса, тажрибасидан ўрганишса,

ўйлаймизки, оила янада мустаҳкам ва вояга этаётган фарзандлар тарбияли бўлади. Бинобарин, оила кўрғони маънавий етуклик ва бой тажриба асосида янада мустаҳкамланиб борилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Болалар ва ёшлар ижтимоий таъминоти ва ҳимояси. Ғаниева М.Х. Тошкент, 2020.

2. Оила социологияси. Услубий кўрсатма. Фарғона, 2007.

3. Nurmatova, I. A. (2022). Trends in Social Reality and Moral Outlook. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(8), 7-9.

4. Nurmatova, I., Tillaboeva, S., Vaxobova, G., Mamatobilova, A., & Abdubannopova, S. (2021). THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FUNDAMENTALS OF INCREASING THE EXPORT POWER OF THE REGION. *Экономика и социум*, (3-1), 215-217.

5. Nurmatova, I., Nabieva, H., & Sirojiddionova, M. (2020). Challenges of child personality in a defective family. In *Наука сегодня: теоретические и практические аспекты* (pp. 39-40).

6. Нурматова, И. А. (2022). Роль этической нормализации в стабильности духовной среды общества. In *Социальные институты в правовом измерении: теория и практика* (pp. 59-64).

7. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.

8. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.

9. Nurmatova, I., Amirqulova, O., & Qayumov, E. (2021). INNOVATION IN EDUCATION REFORM YOUTH IN SOCIAL DEVELOPMENT. *Экономика и социум*, (1-1), 208-209.